БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 214 (19.885). • 1987 йил 19 сентябрь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

# ХАВФ-ХАТАРСИЗ ДУНЁНИНГ РЕАЛЛИГИ ВА ГАРАНТИЯЛАРИ

*М. С. Горбачев*

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 42-сессияси очилди. Шу факт мазкур мақола учун мавзу бўлди.

Объектив жараёнлар мураккаб ва кўп қиррали дунёмиз тобора кўпроқ ўзаро боғланиб ва ўзаро алоқадор бўлиб қолишига олиб бормоқда. Бинобарин, у мўътабар даражада унинг муштарак проблемаларини масъулият билан муҳокама қилишга қодир бўлган, давлатлар ва миллатлар ҳозирги ҳамжамиятининг турли, зиддиятли, аммо реал манфаатлари мувозанати биргаликда изланадиган жой бўлиб қоладиган механизмга тобора муҳтожлик сезмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз ғояси ва ўзининг ташкил этилиши жиҳатидан ана шундай механизм бўлиши лозим. Мазкур ролни у бемалол бажара олишига бизнинг ишончимиз комил. Шу боисдан ҳам кузнинг дастлабки кунларида, отпускалар даври тугаб, халқаро сиёсий турмуш тобора жадаллашиб бораётган, қуролсизланиш соҳасида муҳим қарорларга келиш имконияти кўриниб қолаётган бир пайтда биз, совет раҳбарлари XX аср охирларидаги жаҳон сиёсатининг асосий масалалари хусусидаги фикрларни баҳам кўришни фойдали деб ҳисобладик. БМТ Бош Ассамблеясининг сессияси шу сиёсатнинг жуда катта жиҳатларига бағишланганлиги учун ҳам бундай қилиш, айниқса ўринлидир.

Шу муносабат билан, КПСС XXVII съездидан кейин бир ярим йил ўтган ҳозирги пайтда, **халқаро хавфсизликни кенг қамровли системасини** вужудга келтириш юзасидан шу съездда ўртага ташланган ғоя қай ҳолатда эканини таҳлил этиш биз учун биринчи ўринда турганлиги табиий. Бу ғояни кўпгина давлатлар қўллаб-қувватладилар. Дўстларимиз — социалистик мамлакатлар, қўшилмаслик ҳаракатининг қатнашчилари бу ғоянинг актив ҳаммуаллифлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолада, аввало бизнинг шу системани вужудга келтиришга ёндашувимиз хусусида фикр юритилади. Айни вақтда у БМТга аъзо бўлган давлатларни, жаҳон жамоатчилигини ўзаро фикрлашишга даъват ҳам этади.

## I.

XX асрнинг сўнгги чораги турмушнинг моддий негизида ўз мазмуни ва аҳамияти жиҳатидан революцион ўзгаришлар билан нишонланди. Инсоният ўз тарихида биринчи марта асрлар давомида унинг тараққиётига халақит бериб келган кўпгина муаммоларни ҳал этишга қодир бўлиб чиқди. Мавжуд ва янгидан вужудга келтирилаётган ресурслар ҳамда технологиялар нуқтаи назаридан қараганда кўп миллиардли аҳолини боқиш, маълумотли қилиш, уй-жой билан таъминлаш ва унинг сиҳат-саломатлигини сақлаш учун тўсиқлар йўқ. У ёки бу халқлар ҳамда мамлакатларнинг фарқлари ва имкониятлари очиқ-равшан кўриниб турган бир шароитда умуман Ер юзи аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароитларини таъминлаш истиқболлари сезилиб қолди.

Айни вақтда инсон зоти мангулигининг ўзини таҳлика остида қолдирадиган хавф-хатарлар ҳам вужудга келди. Шу сабабли бизнинг ноёб сайёрамизда янги эҳтиёжларга ва ўзгарган шароитларга мувофиқ келадиган янги турмуш қоидалари зарур.

Афсуски, кўпгина нуфузли кучлар миллий хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги эскирган тасаввурларни ҳамон тарк этмай келмоқдалар. Натижада дунё жарликка олиб борадиган йўл — энг тўғри йўл деган гапни унга зўр бериб уқтиришга уринилаётган бемаъни вазиятда қолмоқда. Гўё ядро қуроли жаҳон урушига йўл қўймаслик имконини беради, деган нуқтаи назарни бундан бошқача баҳолаш қийин. Бу нуқтаи назар мутлақо исботсиз бўлганлиги учун ҳам уни рад қилиш мушкул иш. Чунки модомики ядро қуроли пайдо бўлганидан кейин жаҳон уруши содир бўлмаган экан, демак, бу қуролгина унинг олдини олди, деган гап аксиома тарзида талқин этилаётганлиги хусусида баҳслашишга тўғри келмоқда. Ядро қуроли мавжуд бўлишига қарамай жаҳон урушига йўл қўймасликка муваффақ бўлинди, деб айтиш тўғрироқ бўлур эди, деб ўйлаймиз.

Бир вақтлар томонларнинг бир неча ўнта атом бомбаси бор эди, кейин юзтадан ядровий ракеталари пайдо бўлди, ниҳоят аслаҳахоналардаги ядровий портловчи зарядлар бир неча мингга етди. Яқинда эса совет ва америкалик олимлар стратегик барқарорлик билан ядро қуроли аслаҳахоналарининг ҳажмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тўғрисидаги масалани махсус ўрганиб чиқиб, барқарорликни асло бузмай, АҚШ билан СССРнинг ҳамма ядро қуроллари 95 процентини тугатиш мумкин, деган якдил бир фикрга келдилар. Телбанамо мантиқни келтириб чиқарадиган «ядро қуроли ёрдамида тийиб туриш» стратегиясини мутлақо пучга чиқарадиган далил-ку бу. Биз ўша 5 процентни ҳам қолдирмаслик керак, деб ҳисоблаймиз. Ана ўшанда сифат жиҳатдан бошқача барқарорлик бўлади.

Биз бирон-бир кишига насиҳат қилишга интилмай ва дунёдаги хатарли вазиятни фақат қайд этишнинг ўзи беҳуда эканини англаб, ҳозир миллий хавфсизликни таъминлашнинг жаҳоншумул ҳалокат хавфини келтирмайдиган моделини яратиш мумкинми, деган саволга жавоб қидира бошладик.

Бундай ёндашув теварак-атрофга ва унда рўй бераётган воқеаларга, ўз-ўзимизга реалистик назар ташлаш ҳуқуқи билан суғорилган, бошқаларга холисона муносабат ҳамда ўз масъулиятимиз ва хавфсизлигимизни англаш билан ажралиб турган янгича сиёсий тафаккурни ишлаб чиқиш пайтида вужудга келган тасаввурларга негизланди.

Янгича тафаккур — сўз билан иш ўртасидаги тафовутни тугатиш ҳам демакдир. Шу тариқа биз ишга киришдик. Ядро қуроли — энг катта бало ва энг даҳшатли хавф эканига амин бўлиб, ядро синовларининг бирёқлама мораторийсини эълон қилдик, очиғини айтсам, биз бу мораторийга имкони бўлганидан ҳам кўпроқ вақт амал қилдик... Сўнгра ядро қуролини босқичма-босқич тугатишнинг конкрет программаси баён этилган 1986 йил 15 январь Баёноти эълон қилинди. Биз Рейкьявикда президент Рейган билан учрашувда тўла ядровий қуролсизланишнинг мақбуллиги ва мумкинлиги тушунчасига яқинлашиб бордик. Шундан кейин эса ядро қуролларининг икки классини — ўртача олислик ракеталари билан оператив-тактик ракеталарни тугатиш тўғрисидаги битимга яқинлашиш имкониятини енгиллаштирадиган қадамлар қўйдик.

Бундай битимга эришиш мумкин ва реал, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан ГФР ҳукумати бунга муайян даражада кўмаклашадиган позиция тутганини уқтириб ўтмоқчиман. Совет Иттифоқи шу йилнинг охиригача тегишли шартнома ишлаб чиқилиши мумкин бўлур эди, деган фикрга асосланмоқда. Бундай шартноманинг эҳтимол тутилган фазилатлари ҳақида кўп гапирилди. Бу гапларни такрорлаб ўтирмайман. Шу битим ядро қуролини чекланган тарзда ишлатиш ва ядровий можарони «назорат остида кучайтириш» деб аталган концепцияларга қаттиқ зарба урган бўлур эди, дебгина уқтирмоқчиман. Хаёлий оралиқ вариантлари йўқ. Вазият барқарорроқ бўлиб қолади.

Ўртача олислик ракеталари билан оператив-тактик ракеталар хусусидаги шартнома **ракетадан мудофаа воситаларини чеклашга оид шартномага қатъий риоя қилиш шароитида стратегик ҳужум қуролларини** кўп миқдорда — эллик процент қисқартириш тўғрисидаги музокараларда силжишга эришишнинг яхши муқаддимаси бўлиб қолур эди. Икки томон шунга интилган тақдирда бу хусусдаги аҳднома келгуси йилнинг биринчи ярмидаёқ реалликка айланган бўлур эди, деб ўйлайман.

Ядросиз дунё сари ҳаракат қилиш ҳақида ўйлаганда, ҳозирнинг ўзидаёқ қуролсизланиш жараёнида, унинг ҳар бир босқичида хавфсизликни қандай қилиб таъминлаш ғамини ейиш ҳамда шу ҳақдагина ўйлаб қолмай, айни вақтда **ядросиз қуролларнинг** кескин камайтирилган даражасида тинчликни сақлаш механизмлари тўғрисида бир битимга келиш ҳақида ҳам ўйлаш зарур.

Халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтириш тўғрисида бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда биз БМТга тақдим этган таклифларга мана шу масалаларнинг ҳаммаси киритилган.

Бу системани биз қандай тасаввур этамиз?

Биз таклиф этган хавфсизлик лойиҳасида, аввало, тинчликни сақлаб турувчи мавжуд тартиб-қоидаларнинг давомийлиги ва улар билан мувофиқлик назарда тутилган, бу система БМТ Устави негизида ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида амал қилиши мумкин бўлур эди. Бизнинг назаримизда унинг ҳаёт қобилияти Устав талабларига қатъий риоя этилиши билан, давлатларнинг қўшимча бир томонлама мажбуриятлари билан, шунингдек барча соҳаларда — ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, экологик, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ишонч ҳамда халқаро ҳамкорлик тадбирлари билан таъминланади.

Кенг қамровли хавфсизлик системасининг пировард қиёфаси аниқ қандай бўлиб кўринишини ҳозирдан тахмин қилмоқчи эмасман. У оммавий қирғин воситаларининг ҳаммаси йўқ қилиб ташланган тақдирдагина реалликка айланиши мумкинлигигина равшан. Экспертлар билан мутахассисларнинг мустақил комиссияси мана шуларнинг ҳаммаси устида ўйлаб кўрсин, сўнгра ўз хулосаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тақдим этсин, деб таклиф қиламиз.

Шахсан мен суверен давлатларнинг халқаро хавфсизлик соҳасида ҳозирнинг ўзидаёқ зиммаларига мажбурият олиш қобилиятига шубҳаланмайман. Кўпгина давлатлар айнан шундай қилмоқдалар. Маълумки, Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмасликларини билдирдилар. Ядро қуроллари хусусидаги Совет—Америка битимлари яна бир мисолдир. Бу битимларда СССР билан АҚШнинг ўзаро муносабатларидаги энг нозик соҳада вазминлик ва ўзини ўзи чеклаш йўли онгли равишда танлаб олинди. Хўш, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг моҳияти нима? У — давлатлар юксак масъулиятининг ноёб намунасидир.

Ҳозирги замон воқелигида шундай «ғиштлар» мавжудки, улардан хавфсизликнинг бўлажак системасини қура бошлаш мумкин.

Халқаро ишларни оқилона, масъулият билан ва рационал ташкил этиш соҳаси аста-секин бўлса-да, аммо кўз ўнгимизда кенгайиб бормоқда. Рўй-ростлик, ошкоралик хусусида, олинган мажбуриятларни ўзаро текшириш ва назорат қилиш ҳажмлари ҳамда чуқурлиги хусусида илгари мисли бўлмаган стандартлар вужудга келмоқда. Американинг инспекция группаси совет қўшинларининг машқлари ўтаётган районларга келмоқда, АҚШ конгрессменлари группаси Красноярск радиолокация станциясини кўздан кечирмоқда. Америкалик олимлар совет ядро полигони районида ўз приборларини ўрнатиб, созламоқдалар. Совет ва америкалик кузатувчилар бир-бирлари қўшинларининг машқларида ҳозир бўлмоқдалар. Хельсинки жараёни доирасидаги аҳдномаларга биноан ҳарбий фаолиятнинг йиллик планлари эълон қилинмоқда.

Вазият ўзгараётганлиги фойдасига ядродор давлатнинг ядро қуролидан ихтиёрий равишда воз кечишга тайёрлиги тўғрисидаги Баёнотдан ҳам салмоқлироқ ва таъсирлироқ далилни билмайман. Гўё оддий қурол-яроғлар соҳасида НАТО билан Варшава Шартномаси ўртасида Варшава Шартномаси фойдасига номутаносиблик мавжуд, деган баҳонани кўрсатиб, ядро қуролини оддий қуроллар билан алмаштиришга интилиш ўринли эмас. Агар номутаносиблик, мувозанатсизлик мавжуд бўлса, келинглар, уларни йўқотайлик. Бу гапни доимо тинимсиз айтиб келяпмиз, бу муаммони ҳал этишнинг аниқ-равшан усулларини таклиф қилдик.

Совет Иттифоқи бу масалаларнинг ҳаммасида ташаббускор бўлиб майдонга чиқиб, ўзининг сўзи билан иши бир эканини кўрсатиб келмоқда.

Мудофаага қилинадиган харажатларнинг таққосланиши тўғрисидаги масалани олайлик. Бу масала устида ҳали ишлашга тўғри келади. Зўр бериб куч-ғайрат сарфланган тақдирда яқин икки-уч йил ичида бизни ҳам, музокарадошларимизни ҳам қизиқтирувчи ва томонларнинг харажатларини баб-баравар акс эттирувчи рақамларни таққослай оладиган бўламиз, деб ўйлайман.

(Давоми иккинчи бетда).

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 17 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси тўғрисидаги Низом лойиҳасини кўриб чиқиб, асосан маъқуллади. Низомда халқ хўжалиги асосий бўғинининг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлайдиган мана шу энг йирик ташкилий структураси составига бир ёки бир неча тармоқнинг корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари кириши мумкинлиги кўзда тутилган. Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси умумиттифоқ ёки регионал бирлашма бўлиши мумкин. Унинг таркибига кирувчи корхоналар мустақиллигини сақлаб қолади ва ўз фаолиятида давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига амал қилади. Давлат ишлаб чиқариш бирлашмасини бошқариш директорлар кенгаши ва шу кенгаш сайлайдиган бош директор томонидан демократик асосда амалга оширилади. Унинг таркибига кирувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар меҳнат коллективлари вакилларининг кенгашини тузадилар.

Мажлисда мамлакат химия-ўрмон комплекси тармоқларига раҳбарликни янада такомиллаштиришга доир тадбирлар муҳокама қилиниб, маъқулланди. Ҳукуматнинг доимий ишлайдиган органи тарзида СССР Министрлар Советининг химия-ўрмон комплекси бюросини тузишга қарор қилинди. Халқ хўжалигини химиялаш миқёсини кенгайтириш, мамлакатнинг химия, нефть химияси, целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик, медицина ва микробиология маҳсулоти янги турларига бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш шу органнинг энг муҳим вазифалари бўлади.

Партия Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми йўл-йўриқларига мувофиқ КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Илмий ташкилотларни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш тўғрисида»ги қарори кўриб чиқилиб, асосан қабул этилди. Қарорда таъкидланишича, илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ва технология ташкилотлари ўз фаолиятида давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунининг қоидаларига амал қилишлари лозим.

Илмий ташкилотларни министрликлар ва идоралар томонидан пул билан таъминлашдан бевосита хўжалик шартномалари тузиш ва ишлар бажарилиб бўлганидан кейин уларга ҳақ тўлаш йўли билан илмий ишланмаларни бевосита буюртмачи томонидан пул билан таъминлашга ўтиш белгиланди.

СССР министрликлари билан идораларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига илмий ташкилотларни халқ хўжалиги тармоқларидаги бирлашма ва корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш учун белгиланган муддатларда, шунингдек академия ва олий ўқув юртлари фанининг хусусиятларини эътиборга олиб, янги иш шароитларига ўтказиш таклиф қилинди.

Мажлисда хўжалик юритишнинг янги шароитларида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди, бу чора-тадбирлар министрликлар, идораларнинг, иттифоқдош республикаларнинг, бирлашма ва корхоналарнинг, совхоз ва колхозларнинг социалистик, ривожланаётган ва капиталистик мамлакатларнинг ташкилотлари билан ишлашини кучайтиришга қаратилган. Ташкилотларнинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик соҳасида мустақил қарорлар қабул қилиш юзасидан ҳуқуқларини анча кенгайтириш тўғрисидаги таклифлар қўллаб-қувватланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Эфиопия Халқ Демократик Республикаси эълон қилиниши муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашган Л. Н. Зайков бошчилигидаги совет партия-давлат делегацияси ишининг якунларини маъқуллади. Эфиопия Халқ Демократик Республикасининг барпо этилиши, конституцион идора усулларига, халқ ҳокимиятига ўтилганлиги Эфиопия халқи турмушидаги тарихий воқеа эканлиги, бу эса Эфиопия революциясининг ривожланишида янги босқич бошланганидан дарак бериши таъкидланди.

Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Президент Менгисту Хайле Мариам билан ҳамда Эфиопиянинг бошқа раҳбарлари билан бўлган ва ўртоқларча ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган суҳбатлар ҳозирги дунёнинг энг муҳим масалалари хусусидаги позицияларнинг муштараклигини, иккала томоннинг ўз мамлакатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга интилаётганлигини тасдиқлаганлиги мамнуният билан қайд этилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси совет жамиятини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг, совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг бошқа баъзи масалаларини ҳам муҳокама қилди.

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

18 сентябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди.

Озарбайжон ССР халқ депутатлари Советларининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш Комплекс программасини бажариш борасидаги иши масаласи кўриб чиқилди. Республика Министрлар Советининг Раиси Г. Н. Сеидов доклад қилди. СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг халқ истеъмол моллари ва аҳолига хизмат комиссияси раиси Ф. А. Табеевнинг қўшимча доклади ҳам тингланди.

Масалани муҳокама қилишда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг раиси С. Б. Татлиев, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари — Владимир область Взяники ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Р. А. Гаврилова, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, шунингдек, СССР Халқ контроли комитетининг раиси С. И. Манякин, СССР савдо министри К. З. Терех қатнашдилар.

Шундан кейин СССР Олий Совети Президиуми Волгоград область халқ депутатлари Советларининг қайта қуриш шароитларида маданий-маърифий муассасалар ролини ошириш борасидаги иши масаласини муҳокама қилди. Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси А. Н. Орловнинг доклади тингланди. СССР Олий Совети Иттифоқ Совети халқ маорифи ва маданият доимий комиссиясининг аъзоси, КПСС Оренбург область комитетининг биринчи секретари А. Н. Баландин жойлардаги ишнинг аҳволи билан танишиб чиққан депутатлар номидан ахборот берди.

Музокараларда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. С. Таразевич, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси Г. М. Егоров, СССР маданият министри В. Г. Захаров, РСФСР маданият министри Ю. С. Мелентьев сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди, бу қарорлар матбуотда эълон қилинади.

Президиум мажлисида СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясини чақиришга қарор қилинди, шунингдек мамлакат давлат ҳаётининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда В. В. Шчербицкий, Б. Н. Ельцин, Ю. Ф. Соловьев ўртоқлар қатнашдилар.

(ТАСС).

# Қрим татарлари вакилларининг республика ишчи комиссиясида

Тошкентда Ф. Сефершаев раислигида қрим татарлари вакиллари республика ишчи комиссиясининг область комиссиялари раислари иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Комиссия мажлисида комиссия раисининг ўринбосари О.К. Адамановнинг республика комиссиясининг иши тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Республика ишчи комиссияси аъзоларининг ва область ишчи комиссиялари раисларининг нутқларида уларнинг номига кўпдан-кўп мактублар, аризалар, телеграммалар ҳамон келаётганлиги, одамлар оғзаки мурожаат қилаётганликлари айтиб ўтилди. Уларда мамлакатда КПСС XXVII съезди қарорлари асосида амалга оширилаётган қайта қуриш, демократия ва ошкоралик ривожланаётганлиги туфайли муаммоларни комплекс кўриб чиқиш мумкин бўлганлиги алоҳида таъкидланади. Қрим татарларнинг эҳтиёжлари ва талабларига эътибор билан муносабатда бўлинаётганлиги учун, меҳнат коллективларида осойишта, ишчанлик муҳити таъминланаётганлиги учун партия ва совет органларига миннатдорчилик изҳор қилинади.

Мурожаатларда кенг ошкоралик ва демократия имкониятлари яратилганлигидан худбинлик, ғаразгўйлик мақсадларида фойдаланаётган, қрим татарларнинг муайян қисмини, айниқса ёшларни турли йиғинлар ўтказишга гиж-гижлаётган, одамларни жамоат тартибини бузишга ундаётган экстремист кайфиятдаги кишиларнинг хулқ-атвори кескин қораланади.

Аризалар ва мурожаатларда қрим татарларни ана шундай кимсаларнинг даъволари ва масъулиятсиз уринишларидан ҳимоя қилиш талаб этилади.

Сўзга чиққан кишилар ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни қоралаб, экстремист кайфиятдаги гуруҳлар тазйиқ ўтказаётганлиги, турли шартлар қўяётганлиги қрим татарларнинг мамлакат партия ва давлат органларига йўллаган аризалари ва хатларида баён этилган проблемалар комплексини ҳал этишни қийинлаштиради, деб таъкидладилар.

Мажлис қатнашчилари қрим татарларга мансуб ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг асосий қисми Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олишга, беш йиллик иккинчи йили топшириқлари муваффақиятли бажарилишини таъминлашга интилаётганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Беш йиллик планлари халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик билан суғорилган.

Комиссиянинг кенгайтирилган мажлисида қрим татар гражданларнинг аризаларида ўртага қўйилган проблемалар бутун комплексини кўриб чиқувчи давлат комиссиясининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Мажлисда ва масалаларни муҳокама қилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов иштирок этдилар. Комиссиянинг кенгайтирилган мажлиси ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский қатнашди.

Республика ишчи комиссияси составини кенгайтириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Комиссия составига Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трестининг бошқарувчиси, Тошкент область партия комитетининг аъзоси, қрим татарлари вакиллари Тошкент область ишчи комиссиясининг раиси Азиз Керимов; Ўзбекистон ССР енгил саноат министри Эскендер Аппазович Таймазов; «Ленин байрагъы» республика газетасининг редактори, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Нуззет Абибуллаевич Умеров; «Узстроймеханизация» трестининг бошқарувчиси, Тошкент шаҳар Октябрь район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг аъзоси, халқ депутатлари район Советининг депутати Эрнест Фегмиевич Хаваджи ўртоқлар киритилдилар.

Мажлисда келгусидаги ишлар плани аниқланиб, область комиссиялари билан биргаликда амалга ошириладиган тадбирлар белгиланди.

(ЎзТАГ).

# СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

## СССР Олий Советини чақириш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўн биринчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг саккизинчи сессияси 1987 йил 19 октябрь куни Москва шаҳрида чақирилсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси** **А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари** **Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1987 йил 18 сентябрь.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми маълум қиладики, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети саккизинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш кўзда тутилади:

1. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани қандай бажарилаётгани ҳақида.

2. 1988 йилги СССР Давлат бюджети тўғрисида ҳамда 1986 йилги СССР Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

3. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

АГРОСАНОАТ МЕҲНАТЧИЛАРИ! Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини нобудгарчиликсиз тезда йиғиб-териб олиш, сақлаш, истеъмолчиларга сифатли қилиб етказиб бериш бугунги энг муҳим вазифадир!

# ТЕРИМ БОШЛАНДИ

Тўрақўрғон районидаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли колхозда пахтани териб олиш бошланди. Об-ҳаво инжиқликлари туфайли дефолиация ва машина терими икки ҳафта кечикди. Айни пайтда ғўза тупларининг қуйи қисмидаги кўсаклар очила бошлади. Пахтакорлар «оқ олтин»нинг бир грамми ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун машина терими бошлангунга қадар этак тутиб далага чиқдилар. М. Ғоипова, И. Азимова каби чевар теримчилар ва уларнинг кўпминг килограммчи дугоналари биринчи кундаёқ хирмонга 100 килограммдан сифатли пахта топширдилар.

(ЎзТАГ).

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 18 сентябрга бўлган

**МАЪЛУМОТ**

**(Планга нисбатан процент ҳисобида)**

**Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Хоразм | 1,34 | 10,63 | 0,04 | 0,05 |
| ҚҚАССР | 0,57 | 3,13 | 0,11 | 0,19 |
| Сурхондарё | 0,56 | 3,09 | 0,01 | 0,02 |
| Андижон | 0,56 | 2,71 | — | — |
| Қашқадарё | 0,49 | 2,70 | — | 0,01 |
| Бухоро | 0,43 | 0,93 | — | 0,01 |
| Тошкент | 0,27 | 0,87 | — | — |
| Фарғона | 0,21 | 0,46 | — | — |
| Навоий | 0,26 | 0,26 | — | — |
| Самарқанд | 0,09 | 0,25 | — | — |
| Сирдарё | 0,02 | 0,07 | — | — |
| Жиззах | 0,03 | 0,03 | — | — |
| Республика бўйича: | 0,38 | 1,97 | 0,01 | 0,02 |
| **Шу жумладан ингичка толали пахта:** | | | | |
| Сурхондарё | 0,69 | 3,97 | — | — |
| Навоий | 1,10 | 1,10 | — | — |
| Қашқадарё | 0,20 | 0,93 | — | — |
| Бухоро | 0,13 | 0,20 | — | — |
| Республика бўйича: | 0,52 | 2,79 | — | — |

